“ТАСДИҚЛАНГАН”	“РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН”
“NBU INVEST GROUP” Акциядорлик жамиятининг ягона акционери томонидан _____ Ягона акциядор вакили, “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ Бошқарув Раиси ўринбосари Туляганов К. 2022 йил 17 январдаги 01-сонли қарор	Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари _____ Исаков О. “ 22 ” февраль 2022 йил 07/46-01-02/011-сон

Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан 2020 йил 5 июнда Q0835-сон билан рўйхатдан ўтказилган “NBU INVEST GROUP” АЖ акцияларини бирламчи чиқариш тўғрисидаги қарорига киритилаётган ўзгартиришлар

МАТНИ

Амалдаги таҳрир	Янги таҳрир
Сарлавҳа қисмида	
957 969 315 (тўққиз юз эллик етти миллион тўққиз юз олтмиш тўққиз минг уч юз ўн беш) дона, бир донасининг номинал қиймати 1 000 (минг) сўм бўлган хужжатсиз шаклдаги оддий номи ёзилган акция	891 969 315 (саккиз юз тўғсон бир миллион тўққиз юз олтмиш тўққиз минг уч юз ўн беш) дона, бир донасининг номинал қиймати 1 000 (минг) сўм бўлган хужжатсиз шаклдаги оддий номи ёзилган акция
4-бандида	
Чиқарилган акциялар сони: 957 969 315 (тўққиз юз эллик етти миллион тўққиз юз олтмиш тўққиз минг уч юз ўн беш) дона	**Чиқарилган акциялар сони:** 891 969 315 (саккиз юз тўғсон бир миллион тўққиз юз олтмиш тўққиз минг уч юз ўн беш) дона
5-бандида	
Чиқарилишнинг умумий хажми (сўм): 957 969 315 000 (тўққиз юз эллик етти миллиард тўққиз юз олтмиш тўққиз миллион уч юз ўн беш минг) сўм	**Чиқарилишнинг умумий хажми (сўм):** 891 969 315 000 (саккиз юз тўқсон бир миллиард тўққиз юз олтмиш тўққиз миллион уч юз ўн беш минг) сўм
8-бандида	
Жамият устав капитали миқдори (сўм): Жамият устав фонди миқдори 957 969 315 000 (тўққиз юз эллик етти миллиард тўққиз юз олтмиш тўққиз миллион уч юз ўн беш минг) сўмни ташкил этади	**Жамият устав капитали миқдори (сўм):** Жамият устав фонди миқдори 891 969 315 000 (саккиз юз тўқсон бир миллиард тўққиз юз олтмиш тўққиз миллион уч юз ўн беш минг) сўмни ташкил этади

Эмитентнт раҳбари: _____ Ходжаев А.Ш.

Бош бухгалтер: _____ Ахмедов Б.М.

Сана: “17” 01 2022 йил

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MOLIYA VAZIRLIGI

MINISTRY OF FINANCE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100017, Toshkent sh., Istiqlol ko'chasi, 29-uy
Tel.: (998 71) 239-15-69, 239-12-52, Faks: (998 71) 244-56-43

29, Istiqlol street, Tashkent, 100017
Tel.: (988 71) 239-15-69, 239-12-52, Fax: (998 71) 244-56-43

ҚАРОР 07/46-01-02/011 "22" февраля 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) "NBU Invest Group" акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – жамият) ягона акциядорнинг 2022 йил 17 январдаги 01-сонли қарор ҳамда Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларининг (рўйхат № 2000, 30.08.2009 й.) 92-бандига асосан

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Жамият устав фонди камайтирилиши муносабати билан жамиятнинг 2020 йил 5 июнда Q0835-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган акциялар чиқарилишига ўзгартиришлар киритиш учун жамият томонидан Вазирликка қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

- жамиятнинг 2022 йил 10 февралдаги 01-05/52-сонли аризаси;

- аввал рўйхатдан ўтказилган акциялар чиқарилишига киритилган ўзгартиришлар матни (3 нусха);

- жамият ягона акциядорнинг 2022 йил 17 январдаги қарор нусхаси;

- тақдим этилган ҳужжатлар рўйхати.

2. Жамият устав фонди камайтирилиши муносабати билан жамиятнинг 2020 йил 5 июнда Q0835-сон билан давлат рўйхатидан ўтган акциялар чиқарилишига киритилган ўзгартиришлар матни давлат рўйхатидан ўтказилсин.

Жамиятнинг 2020 йил 5 июнда Q0835-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган акциялар чиқарилишларига асосан чиқарилган номинал қиймати 1 000 сўм бўлган 957 969 315 000 сўмлик 957 969 315 дона оддий акциялардан 66 000 000 000 сўмлик 66 000 000 дона оддий акциялар бекор қилинсин ва жами 891 969 315 000 сўмлик 891 969 315 дона оддий акциялар муомалада қолдирилсин.

3. Вазирликнинг Капитал бозорини ривожлантириш департаменти Қимматли қоғозлар чиқарилишини рўйхатга олиш бўлими:

- Вазирлик томонидан жамиятнинг аввал рўйхатга олинган акциялар чиқарилишига ўзгартиришлар киритилганлиги муносабати билан Эмиссиявий

қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестрига тегишли ёзувлар киритиш;

- ушбу қарорнинг бир нусхасини жамиятга, бир нусхасини Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига маълумотлар базасига тегишли ўзгартириш киритиш учун тақдим этиш топширилсин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Капитал бозорини ривожлантириш департаменти Қимматли қоғозлар чиқарилишини рўйхатга олиш бўлимига юклатилсин.

Вазир ўринбосари **О. Исаков**